



ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ

ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЧЕКЛОВ ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА САНИТАРИЯ –ЭПИДЕМИОЛОГИК
ТАЛАБЛАР
ID-28538 (V-4)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИ

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЧЕКЛОВ ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА САНИТАРИЯ –ЭПИДЕМИОЛОГИК
ТАЛАБЛАР

СанҚваН № 0012-21

Ўзбекистон Республикаси
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизмати
бошлиғи

Тошкент ш.
2021 йил 24 апрель,
0011-21-сон



Юсупалиев Б.К.

Ишлаб чиққан муассасалар:

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати;

Тошкент тиббиёт академияси

Ишлаб чиққан мутахассислар:

- | | | |
|------------------|---|---|
| Ф.И. Саломова | — | ТТА Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д.; |
| Х.А Садуллаева | — | ТТА Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси доценти, т.ф.н.; |
| Г.Ф. Шерқўзиева | — | ТТА Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси доценти, т.ф.н.; |
| С.А. Шарипова | — | ТТА Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси; |
| Н.О. Ахмадалиева | — | ТТА Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси доценти, т.ф.н.; |
| О.П. Миршина | — | Санэпидхизматининг бош мутахассиси, т.ф.н. |

Тақризчилар:

- | | | |
|----------------|---|--|
| Н.Ж. Эрматов | — | ТТА Болалар, ўсмиirlар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д.; |
| Д.А. Зарединов | — | ТҲКМРМ Гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., профессор; |
| Р.А. Қосимов | — | Санэпидхизматининг бош мутахассиси, т.ф.н. |

**COVID-19 пандемияси даврида чеклов тадбирларини қўллаш шароитида Ўзбекистон
Республикаси олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича санитария
—эпидемиологик талаблар**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларининг соғлиғини сақлаш, қулай иш шароитларини яратиш ва меҳнат фаолиятини ташкил этилишини таъминлаш ҳамда COVID-19 коронавирус инфекциясининг тарқалиш хавфи билан боғлиқ эпидемиологик вазият шароитларида меҳнат ва ташки мухитни муҳофаза килиш бўйича профилактик тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган.

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари мулкчилик шаклидан катъий назар, барча олий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) нисбатан татбиқ этилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ижтимоий масофа – шахслар ўртасидаги 2 метрдан кам бўлмаган масофа;

шахсий ҳимоя воситаси – ишлаб чиқаришнинг заرارли омиллари ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини камайтириш ёки уларнинг олдини олиш, шунингдек, ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган воситалар (махсус кийим, маҳсус пойабзал, юувучи ва зарарсизлантирувчи воситалар, техник воситалар ва бошқалар);

блок – ўзига хос вазифага эга бўлган ўкув корпусининг бир қисми (аудиториялар, кафедра, спорт, кутубхона блоки ва бошқалар);

таълим муассасалари турар жой мажмуаси – профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг яشاши учун таълим муассасаси таркибига киравчи бинолар ва иншоатлар.

2. Таълим муассасалари раҳбарлари томонидан коронавирус (COVID-19) инфекциясини тарқалишига қарши курашишда куйидаги профилактик тадбирларга эътибор қаратилиши лозим:

таълим муассасасига инфекциянинг ташқаридан кириб келишига йўл қўймаслик;

таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари жамоаси орасида коронавирус (COVID-19) инфекциясининг тарқалишига қарши чоралар қўллаш;

профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг заарланишига қарши қўлланиладиган бошқа ташкилий чора-тадбирлар.

3. Таълим муассасаларига инфекциянинг ташқаридан кириб келишига йўл қўймаслик учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши тавсия этилади:

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ҳар куни таълим муассасасига киритишдан олдин тана ҳароратини пиromетр ёки шу каби воситалар ёрдамида ўлчаш, тана ҳарорати кўтарилган ва/ёки юқумли касаллик белгилари намоён бўлиб турган профессор-ўқитувчилар, ходимларни ёки талабаларни таълим муассасасига қўймаслик;

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг саломатлик ҳолатини текшириш, улар билан мулокотда бўлганлар тўғрисида маълумот тўплаш, уларнинг бошқа беморлар ёки

эпидемиологик нохуш худудлардан (хорижий мамлакат, республика, вилоят, туманлар) ташриф буюрган шахслар билан мулокотда бўлгандигига аниқлик киритиш, бунинг учун алоҳида жавобгар шахс белгилаш (тиббий ходим, техника хавфсизлиги муҳандиси, кадрлар бўйича инспекторлари ва бошкалар);

тана ҳароратининг кўтарилганлиги ёки касаллик белгилари (йўтал, аксириш ва шу кабилар) мавжуд профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни рўйхатини юритиш;

таълим муассасаларининг кириш жойига тери антисептиклари билан ишлов бериш ускунасини (дозаторли ускуна, нам салфеткалар ва шу кабилар) ўрнатиш;

таълим муассасалари ҳудудига ўкув жараёни билан боғлик бўлмаган шахсларнинг киришига йўл қўймаслик (таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар бундан мустасно).

4. Таълим муассасаларининг кириш ва чиқиши қисмида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида, агар техник имконияти мавжуд бўлса куйидагилар:

назорат ўтказиш пунктлари орқали профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни таълим муассасасига киришни соддалаштириш;

назорат ўтказиш пунктлар орқали профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ўтказишида бино полига ёки кириш қисмидаги қаттиқ қопламга икки метр ўлчамдаги оралиқни белгиловчи нұқталарни кўрсатган ҳолда чизмалар чизиш.

5. Курьерлик хизматининг, корреспондентлик ҳужжатларини қабул қилишнинг контактсиз амалга оширилишига қаратилган услубларни жорий этиш (корреспондентлик ҳужжатларини қабул қилиш ойналарини ташкил қилиш, мобил алоқа воситаларидан фойдаланишини жорий этиш ва шу кабилар) тавсия этилади.

6. Таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалари жамоаси орасида коронавирус (COVID-19) инфекциясининг тарқалишига қарши чоралар кўриш мақсадида куйидагилар амалга оширилиши тавсия этилади:

ўкув жараёнининг умумий вазифалари билан боғлик бўлмаган факултет, кафедра ва бошқа бўйимларда мулокотни чегаралаш (гурухлаш тамойили), гурухлар ичida ижтимоий масофа сакланишини таъминлаш;

ўкув жараёнларини турли қаватлар, алоҳида хоналар ва бир неча сменаларга бўлиш асосида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар оқимини камайтириш, уй кийимини ишчи кийимга фақат шу мақсадларга мўлжалланган хоналарда (маиший хоналарда) алмаштиришни ташкил этиш;

тушлик ва танаффус пайтида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ташкилот худудидан бевосита вазифаларни бажариш билан боғлик бўлмаган бошқа жойларга, бўйимларга, биноларга ўтишини чеклаш;

заруриятга кўра факультетлар, кафедралар, бўйимлар ўртасида материаллар, маҳсулотлар ва ҳужжатларнинг ҳаракатланиши учун шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган алоҳида ходим ажратиш (нафас олиш тизимини ҳимоя қилувчи воситалар ва қўлқоплар билан таъминланган алоҳида жавобгар ходимлар ажратиш);

маълумотларнинг электрон шаклда ёки ахборот-коммуникация воситалари орқали юборилишини жорий этиш;

жамоавий тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш, бошқа жамоалар тадбирларига қатнашишини тасиқлаш;

умумий фойдаланиш жойларини тери антисептиклари бўлган дозаторлар билан таъминлаш, қўл ювиш учун совун, қўл ва юзни ювиш жойларини ташкил қилиш (овқатланиш жойлари, дам олиш хоналари, ҳожатхона, чекиш жойлари ва шу каби жойларда);

ўқув хоналари ва жамоат жойлари маҳсус ажратилган ходим томонидан рухсат этилган заарсизлантириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳар куни (ҳар сменада) намли тозалаш ишлари олиб борилади;

ҳар тўрт соатда эшик тутқичлари, электр ўчиргичлар, тутқичлар, панжара, стол усти, стуллар, офис жиҳозлари артиб заарсизлантирилади;

ўқув аудиторияларида мунтазам равишда шамоллатишини ташкил қилиш (ҳар икки соатда ёки сменада камида икки марта);

профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар томонидан шахсий ҳимоя воситаларини (никоблар, респиратор ва резина қўлқоплар) ишлатиш бўйича кучайтирилган ички назоратини ташкил этиш, ишлатилган шахсий ҳимоя воситаларини маҳсус контейнерларда тўплаган ҳолда белгиланган жойда йўқ қилиш;

овқатланиш хонаси мавжуд бўлмаганда, тушлик ва дам олиш вактида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг харакатланишини чеклаш учун бир марта ишлатиладиган идишлардан фойдаланган ҳолда маҳсус мўлжалланган хонада ёки хонанинг бир кисмини овқатланиш учун ташкил этиш.

2-боб. Ташкилий ва техник тадбирлар

7. Таълим муассасаси худудида қуийдаги чекловлар киритилиши мумкин:

одамлар йиғиладиган гавжум жойлар (назорат пункти, деканат, маъмурият, ошхона, ҳожатхона, касса олдида) ва бошқа жойларда “масофавий белги” чизиш;

ҳаво оқимининг бир кисмдан бошқасига ўтишининг олдини олиш (кирувчи ҳаво оқимидан сўрилувчи ҳаво оқими хажмини кўпайтириш);

тана ҳарорати юкорилиги ёки ўткир респиратор вирусли инфекциянинг (ЎРВИ) аломатлари (хид сезиши қобилиятининг йўқлиги, қуруқ йўтал, кўнгил айниши ва бошқалар) аниқланганда, шахсни бошқалардан ажратиш мақсадида тиббий (агар мавжуд бўлса тиббий пунктларда) изолятор ташкил этиш.

8. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш бўйича бошқа ташкилий тадбирлар қуийдаги чораларни ўз ичига олади:

а) таълим муассасаси раҳбарлари (мансабдор шахслар), профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга коронавирус инфекциясининг (COVID-19) олдини олиш коидалари ва соғлиғи ёмонлашганда (иситма, йўтал, хид сезишининг йўқолиши ва бошқалар), ўз вактида изоляция қилиниши тўғрисида бериб боришлари мақсадга мувофиқ.

Таълим муассасаси раҳбари профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар иш жойида коронавирус инфекциясининг белгилари (COVID-19) ёки ўткир респиратор вирусли инфекциянинг аломатлари аниқланган тақдирда, қуийдагиларга эътибор қаратган ҳолда

профессор-ўқитувчилар ва ходимларни хабардор килиши шарт:

кейинчалик изоляция қилиш ва беморни эвакуация қилиш учун ваколатли шахс билан боғланиш зарур;

беморни эвакуация қилиш усуллари тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин (вактинчалик изоляция қилинган жой бундан мустасно) таълим муассасанинг бутун ҳудудида мустақил ҳаракатни тақиқлаш.

б) профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг профилактика чораларига, шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига мунтазам риоя қилиш, қўлни камидаги 20 сония давомида совун билан мунтазам ювиш режимини ёки иш кунидаги, ҳар бир овқатланишдан олдин, ҳожатхонанга боргандан кейин терини антисептиклар билан заарсизлантириш зарурлиги тўғрисида доимий равишда хабардорлигини ташкил этиш.

в) агар таълим муассасанинг бирон-бир профессор-ўқитувчиларида, ходимлар ва талабаларда қуруқ йўтал, иситма, ҳолсизлик ва шунга ўхшаш клиник белгилар аниқланса, дархол тез тиббий ёрдамга (103) кўнғироқ қилиниши шарт.

Вирус юқтирган профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар билан алоқада бўлган барча юзаларни, шу жумладан, буюмлар, ҳожатхоналар, эшик тутқичлари ва телефон каби ифлосланган “юкори контакт” жойларини тозалаш керак.

Тозалаш учун спиртли ёки бошқа заарсизлантирувчи воситаларидан фойдаланиш зарур.

3-боб. COVID-19 пандемияси вақтида талабаларни қабул қилиш қоидалари

9. Таълим муассасалари фаолияти COVID-19 тарқалишининг олдини олиш чораларига эътибор қаратилган ҳолда ташкиллаштирилиши зарур:

таълим муассасаларига ташқаридан инфекциянинг киришига йўл қўймаслик;

профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар орасида COVID-19 тарқалишининг олдини олиш чораларини кўриш.

а) таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар санитария талабларига мувофиқ шарт-шароитлар билан таъминланади.

б) таълим муассасаси раҳбарлари профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалари яшаш жойидаги тиббий муассасаларнинг мутахассислари билан биргаликда ота-оналар ўртасида COVID-19 пандемияси ва бошқа юкумли касалликлар вақтида талабаларга уйда қолишининг фойдали томонлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришилари ва талабаларнинг университетларга фавқулодда вазиятларда келмасликлари лозимлиги тушунтириши тавсия этилади.

10. Таълим муассасаси очилишидан аввал Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари ходимлари таълим муассасанинг барча ходимларини санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қоида ва талаблар бўйича тайёргарликдан ўтказадилар. Бундан ташқари, техник ходимлар профилактик дезинфекция тадбирларини ўтказиш бўйича тайёргарликдан ўтадилар. Карантин даврида ўтказилган кўрсатмалар маҳсус журналда мазкур Талабаларнинг 1-иловасига мувофиқ қайд этиб борилади.

11. Ўкув биносига кириш жойида талабалар тўпланишига йўл қўймаслик учун талабаларнинг келиш ва кетиш жадвали тузилади.

12. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар таълим муассасаларига тиббий никоб тикиш тартибиға риоя этган ҳолда ташриф буюрадилар.

13. Хонада бўлганларнинг барчаси ўртасида камидаги 2 метрли ижтимоий масофани таъминлаш зарур.

14. Ҳар куни профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ҳудудга кириш вақтида тиббиёт ходимлари томонидан мазкур Талабларнинг 2-иловасига мувофиқ “эрталабки филтр” амалга оширилади.

а) “эрталабки филтр” ўтказиш дарсларнинг бошланиш вақтига (дарс жадвалига) мосланади.

б) профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг тана ҳарорати тегишли рўйхатга олинган ҳолда пиromетрлар билан ўлчанади. Тана ҳарорати 37°C дан юқори бўлса (ЎРВИ ва бошқа касалликларнинг аломатлари кузатилган), профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга таълим муассасага киришга руҳсат берилмайди, ҳудудий Санитария-эпидемиология хизмати хабардор қилинади ва тез тиббий ёрдам ходимлари (103) чақирилиб, шифохонага ёткизиш масаласи ҳал этилади.

в) профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг тана ҳарорати икки маротаба ўлчанади (таълим муассасага келганда ва уйга қайтаётганда).

г) агар ўқиши вақтида талаба ёки ходимнинг ахволи ёмонлашса, тана ҳарорати кўтарилса, ЎРВИ аломатлари аниқланса, талаба ёки ходим изоляторга жойлаштирилади. Изоляция хонаси бўлмаган тақдирда, талаба ёки ходим ҳамширанинг хонасига ёки изоляция учун мўлжалланган бошқа хонага жойлаштирилади. Шошилинч тиббий ёрдам чақириш ва ҳудудий Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига маълумот етказиш керак бўлади.

д) профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг кўлларини гигиеник ишлов бериш жадвали ишлаб чиқилади (ҳар соатда кўлларни совун билан ювиш ёки антисептик спиртли эритмалар билан ишлов бериш, ҳар овқатланишдан олдин ва ҳожатхонага боргандан кейин, ҳар бир машғулотдан кейин кўлларни совун билан ювиш зарур).

е) бир марта ишлатиладиган қофоз сочиқлардан ёки қуруқ ҳаво аралашмаси билан куритиш ускунасидан фойдаланиш тавсия этилади.

ж) машғулотлар вақтида гурухларда талабалар орасида 2 метрдан кам бўлмаган масофани таъминлаш, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ўртасида узоқ муддатли тўғридан-тўғри жисмоний алоқаларни чеклаш зарур.

з) машғулотлар давомида турли гурухлар ёки кичик гурухлардаги талабаларнинг ўзаро яқин мулокот қилишига йўл кўйилмайди.

4-боб. Хоналар, жихозларнинг санитария ҳолатига бўлган талаблар ва дезинфекция чоратадбирлари

15. Амалдаги санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ва “Олий ўқув юртларини лойиҳалаштириш, қуриш, жихозлаш ва уларни эксплуатация қилишга доир гигиеник талаблар” и 0330-16-сон СанҚванига мувофиқ олий ўқув юртлари ичимлик суви, ювиш воситалари ва дезинфекциялаш воситаларининг заҳиралари билан мазкур Талабларнинг 3-иловасига мувофиқ таъминланади.

Шунингдек, таълим муассасалар кунига бир нафар талабага 20 мл ва ходимлар учун эса 40 мл микдорда қўшимча равишда кўлга ишлов бериш учун таркибида спирт бўлган антисептик воситаларини 5 кунлик заҳираси билан таъминланади.

Талабалар ва ташриф буюрувчиларнинг қўлларига ишлов бериш учун антисептикли дозаторлар таълим муассасасининг кириш жойларига ўрнатилади.

16. Таълим муассасалар иш бошланишидан олдин белгиланган тартибда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ барча хоналар ва ҳудудда умумий тозалаш ва заарсизлантириш ўтказади.

17. Ҳар куни барча ўқув хоналарида сув, совун, ювиш ва дезинфекциялаш воситаларидан фойдаланган ҳолда тўрт марта нам тозалаш ишлари ташкил этилади, шундан бир мартаси дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Ишчи юзаларни тўрт марта артилган ҳолда заарсизлантириш ишлари ташкил этилади.

18. Ўқув хоналарида тозалаш ишлари дераза ва фрамугалар очик ҳолатида ўтказилади. Тез-тез ифлосланувчи юзалар (эшик туткичлари, шкафлар, дераза токчалари, электр ўчиригичлар, каттиқ мебеллар ва бошқалар) ва чанг тўпланадиган жойларни (плинтуслар ва мебелларнинг таглари, радиаторлар, ёритиш мосламалари, шамоллатиш панжаралари ва бошқалар) яхшилаб ювиш талаб этилади.

19. Ўқув аудиторияларидаги ўқув столлари ва стуллар дезинфекциялаш воситалари билан тозаланади, кейин совунли иссиқ сув билан ювилади. Чиқинди суви хожатхонага қуйилади.

20. Компьютер ва мебелларнинг юзалари хар куни чангдан тозаланади. Қоғоз, қўлланмалар, адабиётлар ва бошқаларни ёпик (ойналанган) шкафларда саклаш тавсия этилади.

21. Санитария-техник жиҳозлар эпидемиологик кўрсатмаларга биноан кунига икки марта дезинфекция килинади.

22. Хожатхонани тозалаш учун мўлжалланган инвентарлар (латта, челяк, чўтка) ёрқин ранг билан белгиланади ва хожатхонада маҳсус шкафда ёки алоҳида ажратилган жойда сакланади. Ишлатилгандан кейин барча тозалаш инвентарлари ювиш воситалари қўшилган иссиқ сув билан ювилади ва қуритилади.

23. Ўқув юрти тиббиёт ходимлари хар куни машғулотлар тамом бўлиши билан намли тозалашдан сўнг барча аудиториялар, спорт залларида жадвалга мувофиқ кварцлаш ишларини олиб боришлари лозим.

24. Биноларни шамоллатиш ҳар 2 соатда ташкил этилади. Об-ҳаво яхши бўлганда, фрамугалар очик ҳолда бўлиши лозим. Ноқулай об-ҳаво шароитида талабалар хонада бўлмаганда, ўн беш дақиқа давомида шамоллатилади.

5-боб. Талабалар тураг жойларида ишларни ташкил этиши

25. Объектнинг кириш қисмида дезинфекция мосламаларини ўрнатиш, уларни доимий равища дезинфекциялаш воситаси билан намлаш зарур.

26. Талабалар тураг жойларида кириш жойларига қўлларни заарсизлантириш учун антисептик модда бўлган дозаторлар ўрнатилади.

27. Талабалар тураг жойларида хизмат кўрсатадиган ходимлар респиратор касалликлари бор беморларни, тана ҳарорати юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва касаллик тарқалишининг олдини олиш максадида профилактик ишлар кучайтириллади.

Коронавирус инфекцияси бўйича карантин вақтида ходимлар ҳолатини тиббий қузатиш ва уларнинг ҳолати ва тана ҳароратини камида уч марта ўлчаш, натижаларни қайд этиш талаб

етилади.

28. Хона ва инвентарларни дезинфекциялашда тавсия ва кўрсатмаларни қатъий бажариш талаб этилади.

Хар 4 соатда стол, стул ва бошқа юзаларга махсус дезинфекцияловчи воситалар билан ишлов берилади, ҳар куни 2 марта ҳожатхоналарда дезинфекция ишларини ўтказилади.

29. Талабалар турар жойларидағи яшаш хоналарига иккитадан талабани жойлаштириш, ижтимоий масофани сақлаш таъминланади.

30. Талабалар турар жойларидағи марказий кириш жойида барча талабалар ва ташриф буюрувчиларнинг тана ҳарорати пиromетр ёрдамида ўлчанади.

31. Талабалар турар жойларидаға ташриф буюрувчиларнинг кўлларига дезинфекцияловчи воситалар билан ишлов берилгандан сўнг, никоблар билан киришга рухсат берилади.

32. Талабалар турар жойларидағи барча ётиш хоналари талабалар томонидан ҳар куни яхшилаб тозаланиши, ёрдамчи хоналар эса штатдаги фаррошлар томонидан дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида тозаланиши лозим. Ошхонадаги музлаткич юзалари ҳар куни камида 3 марта дезинфекцияловчи воситалар билан артилган ҳолда заарсизлантирилиши керак.

33. Идишлар 65°C ҳароратдаги иссик сув ва дезинфекцияловчи воситаларни кўллаган ҳолда заарсизлантирилади.

34. Ҳар куни иш кунининг охирида (ёки камида 6 соатда 1 марта) хоналар дезинфекцияловчи воситалар билан заарсизлантирилиши, шамоллатилиши ва намли тозалаш ишлари олиб борилиши лозим, хоналардаги эшик тутқичлари, тутқичлар, креслонинг тирсак кўйичи дезинфекцияловчи салфеткалар ёки дезинфекцияловчи эритмалар билан артилади.

35. Талабалар турар жойларидағи ухлаш хоналари қишда фрамуга, ёзда эса ойна орқали 20-30 дақиқа давомида шамоллатилиши керак. Хоналар талабалар ўқишга кетганда, тозалаш вақтида ва ухлашдан олдин шамоллатилади.

36. Юмшоқ инвентарлар (матрас, ёстиқ, кўрпа, кўрпа жилдлари, чойшаб, ёстиқ жилди ва бошқалар) ҳар бир яшовчига алоҳида бириктирилган бўлиши керак, уларни қайта ювмасдан ва заарсизлантирмасдан бошқаларга бериш такиқланади.

37. Чойшаб ва сочиқларни алмаштириш ифлосланишига қараб амалга оширилади, аммо ҳар 7 кунда 1 мартадан кам бўлмаслиги керак.

38. Барча яшовчилар учун ётоқхоналар уларнинг кетиши ва машғулотлардан қайтишларидан қатъий назар, иссик сув билан таъминланган бўлиши керак.

39. Талабалар турар жойига яқин худудлар кун давомида бир мартадан кам бўлмаган ҳолда тозаланиши керак.

40. Талабалар турар жойларида:

талабалар шахсий ҳимоя воситаларидан-никоблардан антисептиклардан фойдаланган ҳолда, барча профилактик ва эҳтиёт чораларига риоя қилиши лозим;

ижтимоий масофани сақлаш тадбирларига, бевосита ижтимоий мулоқотларни чегаралашга риоя қилиниши керак.

COVID-19 пандемияси даврида чеклов тадбирларини кўллаш шароитида Ўзбекистон Республикаси олий тавлим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича санитария –эпидемиологик талабларга

1-ИЛОВА

Карантин давридаги инструктаж журнали

COVID-19 пандемияси даврида
чеклов тадбирларини кўллаш
шароитида Ўзбекистон
Республикаси олий таълим
муассасалари фаолиятини ташкил
этиш бўйича санитария–
эпидемиологик талабларга
2-ИЛОВА

“Эрталабки филтр” журналининг шакли

COVID-19 пандемияси даврида чеклов
тадбирларини қўллаш шароитида
Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасалари фаолиятини ташкил этиш
бўйича санитария –эпидемиологик
талабларга

З-ИЛОВА

Ювииш ва дезинфекцияловчи воситаларнинг сарфланиши нормалари

т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда 1 талабага	1 ойда 1 та талабага	Йилда 1 та талабага
1	Кир совун	гр	2	42	506
2	Атир совун ёки суюқ совун	гр	2	42	506
3	Сода кули (унитазларни ювииш учун)	гр	4	84	1012
4	Калций гипохлорит (ёки хлорамин)	гр	1	22	264